

FOREIGN INVESTMENT IN PROVIDING EMPLOYMENT

B. M. Bobokulov

Associate Professor of SamSU

M. R. Sharipov

SamSU undergraduate (Phone number: +998995939591)

Abstract: This article examines and analyzes the role of foreign investment in employment and offers suggestions and conclusions on the creation of new vacancies.

Keywords: employment, employment, investment, foreign investment, foreign direct investment, joint ventures.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлиги” да амалга оширишга оид Давлат дастури, Президентнинг 2019 йил 5 мартағи “2019 йил аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида” ги ПҚ - 4227 – сон Қарори, шунингдек, “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” сингари давлат дастурлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиши, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва ўз-ўзини банд қилиш назарда тутилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш учун иш ўринларини яратиш энг долзарб масала хисобланади.

Карантин бошланганидан буён 600 мингга яқин меҳнат мухожири юртимизга қайтиб келган. Уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам кун тартибидаги муҳим масала хисобланади. Шу билан бирга, бу йил 650 мингдан ортиқ йигит-қиз коллеж, академик лицей ва умумтаълим мактабларини билдиради. Бу ёшларни иш билан таъминлашда – Президентимиз бешта муҳим йўналишни белгилаб берди.

Улардан бири – тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш орқари иш ўринлари яратиш. Бу борада ёшларни касбга тайёрлаш, малакасини ошириш, рўйхатдан ўтказиш, зарур

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

ускуналар билан таъминлашда турли грантлар механизмини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, 2019 йил давомида янги ташкил этилган 23 минг тадбиркорлик субъекти фаолият юритмаяпти. Бугун юртимизда давлат ташкилотларининг бўш турган 1032 та бино-иншооти мавжуд. Бу бино ва иншоотларни жойларда тадбиркорларга ва хорижий инвесторларга нол қийматда бериш ва ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринларини яратиш мумкин. Бу ўз-ўзидан ахоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна бир йўналиш – ижтимоий соҳа обьектлари. Биламизки, ижтимоий соҳа обьектларининг бугунги кунда фойдаланилмаётган ерлари бор. Бизў жойларда ишчи гурухлар таркибида тадбиркорлар билан сұхбатлашганимизда аксарият ҳолларда ер, бино, иншоот ёки қўшимча ресурс маблағлар масаласида ёрдам сўрашади. Агар шу имкониятлар яратилса, улар фаолиятини янада кенгайтириш мумкин.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июнь куни эълон қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар шуни кўрсатди, давлат дастурлари доирасида тадбиркорликни бошлиётган шахсларга маблағларни мақсадли йўналтириш ва келгусида янада кўпроқ даромадга эга бўлиш юзасидан маҳсус тушунтириш ишларини олиб боришга, талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга эҳтиёж сезилмоқда.

Призедентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек “Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор каратиш керак”.

Шу билан биргаликда янги иш ўринларини яратиш ёшларни ва аҳолини меҳнатга лаёқатли қисмини кўпроқ тадбиркорликка жалб этиш бу орқали янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учин авволо ёш билимдон ёшларимизни инвестиция билан таъминлаш айниқса тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳум аҳамиятга эга. Порфель инвестицияларни жалб қилиш орқали қўшма кархоналарда кўпдан кўп янги иш ўринлари яратилиши билан биргаликда ишлаб чиқариш соҳасига замонавий техника технологиялари линиялари жорий этилади. Шу мақсадда республикамизда олиб

борилаётган ислохатларда эркин иқтисодий зоналарни кўпайиши мухим ахамият касб этмоқда

Миллий иқтисодиётда хорижий инвестициялар оқимининг объектив ўзгаришларга олиб келувчи омиллари қуидагилардан иборат:

•халқаро меҳнат, капитал, тажриба, технология, моддий ресурслар таъминоти ва тақсимотини вужудга келтиради;

• молия операцияларининг эркинлашувини ва халқаро капитал кўчиш оқимини тезлаштиришни таъминлайди;

•миллатлараро корпорацияларнинг пайдо бўлиши асосида халқаро рақобатнинг кучайишига олиб келади. Бу омиллар ўз навбатида, иқтисодий интеграцияни кучайтиради, глобаллашув жараёнларига туртки бўлади, рақобат соҳасидаги миллий сиёсатни халқаро даражадаги сиёсат билан уйғунлашишини талаб этади ва билимлар қўламини кенгайтиришга замин яратади .

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга биринчи ўринда инвестицион мухит яратиш керак бўлади. Инвестицион мухитни яратиш учун унинг ҳуқиқий асоси-фаолиятга доир конун ҳажжатлари ҳисобланади.Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2019 й. ЎРҚ-598-сон "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Конуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги Низом (ЎЗР Президентининг 13.11.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.11.2019 й. ПҚ-4519-сон "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинмоқда.

Инвестицион мухит шакллантиришда инфраструктура объектларини ўрни мухим ҳисобланади. Инфраструктура объектларини қурилиши ўз ўзидан янги иш ўринларини яратишга олиб келади. Шу сабабдан Республикамиз ҳудудида кўрлаб эркин иқтисодий зоналар ташкил этилмоқда

Бу ислохатлар билан биргаликда инвестицион мухитни жозибодорлигини оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг ҳам ўрни мухим ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органларни ҳорижий инвесторлар учун яхши хизмат қўрсатиши, улар хар қандай муаммолари буйракратик тусиқлардан ҳоли бўлган ҳал қилишлари керак. Менинг ўйлашимча ҳорижий инвестицияларни жалб қилишдаги асосий муаммо ҳам маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ишига яхши ёндошмаслиги, лавозим мажбуриятларини яхши бажармаслиги, соҳага доир норматив ҳудудлардаги ижроси таъминламаётганлиги, турли хил буйракратик бошқарув усулларини мавжудгили ва бошқа камчиликларнинг кўплиги ҳисобланади.